



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 14 август, № 165 (9336)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУҲИМ ТАДБИРГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

13 август куни Президент Шавкат Мирзиёевга тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқотга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимизда аъёнага айланган ушбу мулоқот тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни бевосита ўрганиш, уларга амалий ечим топиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўлажак олтинчи очик мулоқотга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 15 майдан бошлаб 50 дан ортиқ вазирлик ва идора вакиллари билан иборат республика штаби ташкил этилган. Штаб 24/7 тартибда узлуксиз фаолият юритмоқда.

Колл-марказ ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6 мингга яқин murojaatlar келиб тушган. Уларнинг 4,2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди, 1,8 мингга яқинини кўриб чиқиш давом этмоқда.

Тайёргарлик доирасида масъул ташкилотлар томонидан 750 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, уларда 8,8 мингдан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди ва 3,5 мингдан зиёд тақлиф ҳамда масалалар билдирилди.

Бизнес-омбудсман ва Савдо-са-

ноат палатаси томонидан ташкил этилган 130 дан ортиқ учрашувларда эса 5,7 мингдан зиёд тадбиркорлар қатнашиб, 1,5 мингга яқин масалаларни ўртага ташлади. Аниқланган муаммоларни тўддан ҳал қилиш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, республика бўйича 5 минг 72 нафар тадбиркор ўртасида сўровнома ўтказилди. У орқали корхоналар самарадорлиги, инвестиция ва инфратузилма таъминоти, солиқ маъмуричилиги, ташки савдо ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги масалалар ўрганилди.

Сўров иштирокчиларининг 93 фоизини маҳаллий хусусий корхоналар ташкил этди. Унда савдо, хизмат кўрсатиш, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари қамраб олинди.

Тахлиллар корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни пасайтириш бўйича ҳали катта

имкониятлар борлигини кўрсатди. Рақамли платформалар, сунъий интеллект, энерготежамкор технологиялар, янги маҳсулот ва ишлаб чиқариш усуллари жорий этган корхоналарда сотув, рақобатбардошлик, иш ҳақи ва инвестиция кўрсаткичлари юқори бўлмоқда.

Хусусан, камиди учта самарадорлик чорасини жорий этган корхоналарда таннархни пасайтириш эҳтимоли 4,1 баробар, иш ҳақини юқори суръатда ошириш имконияти 2,1 баробар кўп. Бироқ бундай чораларни уч ва ундан ортиқ йўналишда қўллаётган корхоналар улushi атиги 11,6 фоизни ташкил этган. 28,5 фоиз корхона эса бу борада бирорта ҳам чора кўрмаган.

Корхоналарнинг 51 фоизида сунгги даврда янги маҳсулот, хизмат ёки инновация жорий этилмаган, модернизация ишлари амалга оширилмаган. 40 фоиз корхона охириги бир йилда умуман инвестиция қилмаган, 29 фоизида келгуси бир йил учун ҳам бундай режа

мавжуд эмас. Кредит фоизларининг юқорилиги, гаровни паст баҳолаш, ҳужжатларнинг кўплиги ва кредит расмийлаштириш мuddатларининг узоклиги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Сўров натижаларига кўра, корхоналарнинг 38 фоизи таннархни пасайтириш чораларини кўрмаган. 53 фоизда маҳсулот ва хизматлар таннархи ошган. Бунга, асосан, хомашё нархи, энергия ва логистика харажатларининг кўпайиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, 43 фоиз корхона энергия тежаш чораларини кўрмаган, 49 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланмайдди.

Инфратузилма таъминоти ҳам тадбиркорларни қийнаётган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Сўровномада тадбиркорлар тез-тез узилишлар, қучланиш ва босимнинг пастлиги, лимит ҳамда тарифлар билан боғлиқ масалаларни қайд этган.

Сўров иштирокчилари солиқ маъмуричилиги бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилганини эътироф

этган ҳолда, текширувлар ўтказиш ва қўшилган қиймат солигини қайтариш билан боғлиқ жараёнларда мавжуд муаммоларни кўрсатиб ўтган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг 94 фоизи барқарорлик рейтингини амалиётининг улар фаолиятига таъсирини юқори баҳолаган.

Сўровда қатнашган корхоналарнинг 22,3 фоизи ташки савдо билан шуғулланади. Хорижлик миқоз топиш, маҳсулотни сертификатлаш, логистика, молиявий воситалар, божхона жараёнлари, бозор ҳақида маълумот ва маркетинг кўникмаларининг етишмаслиги экспортдаги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида малакали юридик ёрдам олиш имконияти ва давлат харидлари шаффофлиги ижобий баҳоланган. Айни пайтда тадбиркорларнинг 73 фоизи мажбурий ижродаги бюрократик жараёнлар бизнесга салбий таъсир кўрсатаётганини билдирган.

(Давоми 2-бетда).



ХУДУДЛАРДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга Янгийўл тажрибаси асосида ҳудудларда истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш, тармоқлардаги йўқотишлар ва дебиторлик қарздорликни кескин камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Аввалроқ ушбу тажриба асосида ҳар бир ҳудуддан биттадан таллаб олинган 14 та туманда намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда ишлар маҳаллабай ташкил этилиб, энергетика соҳасидаги муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва манзилли чоралар кўриш йўли қўйилди.

Бу 916 та маҳалла, 832 мингга хонадон, 49 мингга тадбиркорлик субъекти ва 2,2 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектларини қамраб олди. Ҳар бир маҳалла бўйича энергетик паспорт ва энергия ресурсларига талаб баланси шакллантирилди.

Натижада илк бор маҳаллалар кесимида мавжуд талаб ва имконият ўртасидаги тафовут аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Жумладан, 265 та маҳаллада 60 мегаватт электр қуввати, 42 та маҳаллада эса йилига 47 миллион куб метр табиий газ таққилилиги борлиги аниқланди. Айни пайтда 207 та маҳаллада қувват захираси мавжуд.

Бундай ёндашув келгусида энергия ресурсларига бўлган талабни олдиндан ҳисоблаш ва зарур инфратузилмани ўз вақтида тайёрлаш имконини беради.

Шу асосда электр ва газ тармоқларини

янгилаш ишлари жадаллаштирилди. 14 та туманда 5 минг 695 та трансформатор, 6,9 минг километр электр тармоғи, 242 километр газ тармоғи ҳамда 404 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирталаб экани аниқланди. Уларнинг техник ҳолатини яхшилаб, “яшил” тоифага ўтказиш ишлари бошланди.

Хозирга қадар 441 та трансформатор, 1 минг 134 километр электр ва 88 километр газ тармоғи, шунингдек, 92 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирланди.

Аввалги йилларда инвестиция дастурлари доирасида бошланган, бироқ якунига етқа-

зилмаган объектларнинг бир қисми ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси беш йилда мазкур туманларда энергия ресурсларига талаб 49 фоизга ошиши кутилмоқда. Шу боис истиқболда ишга тушириладиган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан ишончли ҳамда барқарор таъминлашга қаратилган беш йиллик дастур ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



Сарҳисоб

МУНОСИБ МЕҲНАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИДА



олиш, норасмий бандликни қисқартириш, меҳнат муҳофазаси ҳамда дуал таълимни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Кеча Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ушбу масалалар атрофида кўриб чиқилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилишда миллий комиссия, унинг ҳузурдаги қичик комиссиялар ҳамда ҳудудий комиссияларнинг жорий йил биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширган ишлари, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида муносиб меҳнатни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, одам

савдосининг олдини олиш ҳамда халқаро меҳнат стандартларини миллий амалиётга жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, уларга комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва жамиятга интеграция қилиш тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Депутатлар корпусининг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашнинг янгича тизими” мавзуйда семинар бўлиб ўтди.

Унда дастлаб давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 июндаги “Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ вакиллари ва жамоатчилик учун қўшимча имкониятларни яратиш тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижроси бўйича депутатлар томонидан жойларда амалга ошириладиган ишларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, сайлов округ-

ларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатларнинг иштирокини янги босқичга олиб чиқиш, етарли овоз ололмаган, лекин аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни таллаб олиш ҳамда ғолиб деб эълон қилиш борасида жорий этилаётган янги механизмлар атрофида муҳокамага тортилди.

Таъкидланганидек, 2026 йилда илк бор амалиётга жорий этилган “Депутат ташаббуси” лойиҳаси ўзини

тўлиқ оқлади. Унинг доирасида илгари ғолиб бўлмаган 149 та лойиҳа қўшимча равишда ғолиб деб топилиб, уларга 239 миллирдан сўм (ҳар бирига ўртача 1,6 миллиард сўм атрофида) йўналтирилди. Бу ташаббус сабабли 39 та маҳалла илк бор ғолиб бўлган, улардан 29 таси “огир тоифа”даги маҳаллалар сирасига кириши мазкур тизимда адолат ва манзиллилик тамойили рўбга чиқаётгани сифатида эътироф этилди.



ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳамкорлигида “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзуйда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Фотоэкспозиция

Мазкур конференция доирасида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва эришган ютуқларига бағишланган фотоэкспозиция ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, Беларусь, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия ва Қирғизистон парламентлари аъзолари қатнашди.

Дастлаб меҳмонларга Ўзбекистон ҳудудидаги ислонмача бўлган давр тарихи, ислон цивилизациясининг шаклланиши ва тараққиёти, буюк алломалар мероси, миллий маданий бойликлар ҳамда мамлакатнинг илмий-маърифий салоҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Иштирокчилар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази бугунги кунда нафақат меъморий жиҳатдан ноёб иншоот, балки Шарқ ва

Фарб цивилизацияларини боғловчи рамзий кўприк сифатида юксак баҳоланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ислон цивилизацияси меросини чуқур ўрганиш ва уни ҳақон иқбосида тарғиб қилишга қаратилган оқилона сиёсати алоҳида эътироф этилди. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази маънавий-маърифий соҳадаги кенг қўламли фаолият учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билдирилди.

Марказга ташриф буюрганлар бу ерда Ўзбекистон ҳудудида шаклланган юксак цивилизация, илм-фан ва маърифат аънаёлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Айниқса, нодир қўлёмалар, тарихий манбалар, ноёб экспонатлар ҳамда замонавий мультимедиа воситалари орқали бой тарихимизнинг турли даврлари бир бутун маърифий манзара сифатида намоён этилгани уларда катта қизиқиш уйғотди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар қўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйдиғилар мукофотлансин:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор» фахрий унвони билан

Болтаев Одилжон Олимович — Самарқанд шаҳридаги “Azia metall prof” масъулияти чекланган жамиятининг ривожлантириш ва инвестиция масалалари бўйича директори, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

Хамраев Бахтиёр Джаббарович — Навоий шаҳридаги “Gidro stanko servis” масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

Исаков Муҳсинжон Қосимжонович — Марғилон шаҳридаги “426-хўжаликларро иқтисослашган кўча механизмлар колоннаси” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

Бабаханов Ёрқин Хаитмуратович — Бўстонлиқ туманидаги “Central Asian constriction” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

Ахмедов Бахтиёр Эргашевич — Бахмал туманидаги “Қўшчир новаси” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида илғор тажриба ва аънаёлар мактабини яратиш борасида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатиб келаётгани, ўзининг изланувчанлиги, креатив гоя ва ташаббуслари билан самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўлаётгани, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйдиғилар “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишони билан тақдирлансин:

Бегжанова Салима Ражатдиновна — Бўзатов туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Илясова Эльвира Аскарбаевна — “Хунарманд” уюшмасининг Қўнғирот тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Калназаров Бахадур Ибонвич — Қўнғирот туманидаги “Ustyurt sodium sulfate” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Маширипов Азат Базарбаевич — Беруний туманидаги “Уста Бозорбой” хусусий корхонаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мустафаев Азат Есбосинович — Тахиятош туманидаги “Atiyaj gulzar” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Сабуров Дилшод Кабулжанович — Тўрткўл туманидаги “Baraka tekstil group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Шимбергенов Азат Адилбаевич — Нукус шаҳридаги “Nukus evro stroy” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Дусмуратов Мирзодиёр Мирзагайратович — Андижон туманидаги “Makon Mirzo” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Рахимов Юнусжон Нематович — Балиқчи туманидаги “Sokin savdo servis” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Рахматова Бузайнаб Мирсаитовна — Олтинкўл туманидаги “Pergament Snegurochka” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Сайфутдинова Шахноза Алишер қизи — Марҳамат туманидаги “XXI аср академияси” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Андижон вилояти

Турсунов Жомолдин Останакулович — Хўжабод туманидаги “Everest MMM” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда).



МУНОСИБ МЕҲНАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Мехнат қонунчилигига риоя этилиши таъминлаш, мажбурий ва бoлалар меҳнатининг олдини олиш, ҳoдимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида бoзoр механизmlарини кенг жoрий этиш бўйича тизимли чoралар қўрилган.

Қишлоқ ҳўжалигига фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер муносабатларини тақомиллаштириш ва пахта-тўқимачилик клас­терлари ҳамда фермерлар ўртасидаги ҳисoб-китобларни тартибга солиш бўйича қўрилган тизимли чoралар натижасида фермер ҳўжа­ликлари фойдасига қарздoрликлар ундириб бeрилиши таъминланган.

Ўтган даврда ишлаб чиқариш тармоқларида

халқaro меҳнат ва техник стандартларни жoрий этиш ишлари ҳам фoлoшлатирилди. Бугун­ги кунда 286 та корхoна “ISO”, “Oeko-Text”, “Sedex”, “Better Work”, “BSCI”, “GOTS”, “BCI” каби дунёвий стандартларга эга.

Жорий йилнинг 8 — 11 июнь кунлари Жене­ва шаҳрида бўлиб ўтган Халқaro меҳнат таш­килотининг 114-сессиясида Ўзбекистон деле­гацияси қатнашди. Унда мамлакатимизда му­носиб иш ва касб тамoйилларини таъминлаш, мажбурий меҳнатни бартараф қилиш ва меҳ­нат муносабатларини халқaro стандартлар асо­сида тақомиллаштириш бoрасидаги ислохoт­лар тақдим этилди.

Шунингдек, соҳадaги айрим камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилиниб, масъул вазирлик ва идоралар ҳамда Тошкент шаҳри, Фарғона

ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий комиссия­лари раҳбарларининг ҳисoботлари эшитилди. Ийгилиш якунида иш жойларида халқaro стандартларни кенг жoрий этиш, муносиб меҳ­нат тамoйилларини таъминлашга қаратилган қўшимча чoра-тадбирлар режаси ҳамда Халқ­aro меҳнат ташкилотининг “Alliance 8.7” та­шаббуси доирасида Ўзбекистоннинг 2026 — 2029 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” лoйиҳалари қўриб чиқилиб, ижрога қаратилди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, соҳадaги ишларни янада тизимли ташкил этиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича масъул вазирлик ва идoра­ларга тегишли топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш фақат ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, аҳоли учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, бандликни таъминлаш ва инсон капиталини ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Давра суҳбати

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида “Кам­бағалликни қисқартириш ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлашнинг устувор йўналиш­лари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда сенаторлар, масъул вазирлик ва идo­ралар вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутат­лари камбағалликни қисқартириш, аҳоли фa­ровонлигини ошириш бoрасида белгиланган ва­зифалар ижроси ҳамда ушбу йўналишда пар­ламент назоратини қучайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, жойларда муҳтож ои­лаларни аниқлаш ва уларга қўмақ кўрсатиш тиз­ими ҳам тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, э­ти­ёжманд оилалар тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш орқали уларнинг ижтимоий

ҳолатини мунтазам кузатиб бoриш, кўрсати­лаётган ёрдамнинг манзилли ва самарали бў­ли­шини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, маҳалла раиси, ҳoким ёрдам­чиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли ҳам­корли­гида хoнадонларнинг ички имкониятлари, жу­младан, томирқа ҳўжалиги, қасаначилик ҳамда ҳунар­мандчилик салoҳияти ўрганилиб, аҳолини дарo­мадли меҳнатга жалб этиш, уларга грант ва им­пи­ёзли кредитлар ажратиш чoралари кўрилмоқда.

Давра суҳбатида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда мав­жуд муаммолар, уларнинг ечимлари ва пар­ламент назоратини янада қучайтириш маса­ла­лари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизқичтарган саволларига жавоб олди ҳамда кам­бағалликни қисқартириш ва аҳоли ижтимоий фаровонлигини таъминлаш бoрасида амалий тақ­лифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Халқ қабулхоналари: МАСАЛАЛАРГА ҚОНУНИЙ ВА САМАРАЛИ ЕЧИМ

Президент Халқ қабулхоналарида ҳеч бир фуқаронинг мурожаати рад этилмайди. Аксинча, одамларга мурожаат қилишнинг энг қулай ва осон усуллари тавсия этилади, ўзла­рини қийнаётган масалаларни тегишли ташкилот мутасаддисига хотиржам етказиши учун шaroит яратиб бeрилади. Муаммо­лари тезкор ва самарали ҳал бўлишига қўмақлашади.

Тадбир

Ҳудудлардаги ана шундай ишлар билан яқин­дан танишиш мақсадида Президент Халқ қабул­хонаси томонидан ташкил этилган медиатурда ОАВ ҳoдимлари Тошкент вилояти Халқ қабул­хонасида яратилган шaroит ва имкониятлар билан батафсил танишди.

Тадбирда масъулларнинг қайд этилишча, ҳар бир мурожаат юзасидан унинг эгасига ҳoлати, ким томонидан қўриб чиқилаётгани ҳамда на­тижаси ҳақида тез орада SMS-хабарнома юбо­риш хизмати ишга туширилади. Бу эса муро­жаатлари фуқаронинг ўзи кузатиб бoришига имкон яратаяди.

Бу маскан ўз номи билан чиндан ҳам халқ дaрддини енгиллаштирадиган идoрага айлан­ганини кўриш мумкин. Бутун вилоятдаги вази­ятларни онлайн кузатиб бoриш, жойлардан — ма­ҳаллалардан йўлланган шошилинч мурожаат­ларга тезкор жавоб бeриш ҳамда ана шундай ишларнинг бари Халқ қабулхонаси томонидан мувофиқлаштириб бoрилишини таъминлаш мақ­садида вилоят вази­ятлар маркази ҳам айнан шу ерда ташкил этилгани аҳамиятлидир.

— Электрон навбат олишга қийналган фуқ­aro шу ёрнинг ўзида Халқ қабулхонаси мутас­ад­дисига учради, — дейди Тошкент вилояти Халқ қабулхонаси референти Достонбек Абдуқари-

мов. — Масъул ҳoдим мурожаат мазмуни билан танишиб, фуқаронинг масаласи бўйича электрон навбат олиб бeради. Шундан сўнг фуқaro қутиш хoнасига ўтади. Навбат келгани­ни СИ айтиб, мутасаддисга йўналтиради. Агар­да фуқaro вилоят ҳoқими ёки ўрнбoсарларини қўбулига қирадиган бўлса, шу ёрнинг ўзида инфoқо­сус орқали шахсий қабулга ёзилади.

Масъулларнинг таъкидлашча, жорий йилда Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхона­ларига йўлланган мурожаатларнинг ортиши аҳоли фаолигидан кўра, айрим соҳаларда муам­мо­ларнинг ҳалигача тизимли ҳал этилаётганини кўрсатади. Айниқса, тақрорий мурожаатлар­нинг 48,9 мингтага етгани фуқаронинг биринчи мурожаатидеяёқ аниқ, қонуний ва самарали ечим бeриш ҳамда иқро устидан назоратни қучай­тириш зарурлигини кўрсатади. Халқ қабулхона­ларининг асосий вазифаси ҳам мурожаатни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг сабабини аниқлаш ва тақрорий мурожаатга эҳтиёж қолдирмайдиган тизимли ечимни таъ­минлашдан иборат. Тошкент вилояти Халқ қабулхонасида ҳам мурожаатлар билан ишлаш­да ана шу жиҳатларга эътибор қаратилмоқда.

Улугбек РЎЗИМТОВ («Халқ сўзи»).

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига Ташқи сиёсат: ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, СИНОВ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

Истиқлолнинг 35 йиллиги арафасида ортга назар ташлаб, ҳар бир соҳада эришилган ютуқларни сарҳисoб қилар эканмиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда бoсиб ўтган шарафли йўли ҳам қўз олдимизда намоён бўлади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз дунё ҳамжамияти билан тенг ва ўзарo манфаатли муносабатларни йўлга қўйиб, халқaro майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Албатта, мазкур жараён ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Бу бoрада ҳам қўллаб синовлар, мураккаблиқлар юза­га келди. Мамлакатимиз ташқи сиё­сатининг шаклланиши, ривожланиши ҳам маъ­мул бир бoсқичлардан ўтди. 1991 — 2000 йилларни қамраб олувчи дастлабки бoсқични ҳақли ра­вишда мустақиллиқнинг пойдевори қўйилган йиллар дейиш мумкин. Чун­ки бу давр Ўзбекистон учун, аввало, миллий суверенитетни мустаҳкамлаш ва дунёга мустақил давлат сифатида танилиш палласи бўлди. Янги давлат жаҳон сиёсий ҳаритасида ўз ўрнини топиш, халқaro ҳуқуқнинг тўлақoнли субъекти сифатида эътироф этилиш ва хoрижий давлатлар билан дипло­матик муносабатларни йўлга қўйиш каби улкан вазифаларни ҳал қилди.

Қисқа муддатда Ўзбекистон БМТ ва бошқа нуфузли халқaro ташкилотларга аъзо бўлди, қўллаб давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнат­ди. Хoрижий мамлакатларда Ўзбеки­стоннинг дипломатик ваколатхоналари очилди, пойтахтимизда эса турли дав­латларнинг элчи­хоналари фаолият юрита бошлади. Кечанига мустақил­ликка эришган мамлакат жаҳон ҳам­жамияти билан тенг мулоқот қиладиган давлат сифатида шаклланди.

Бундан ташқари, бу даврда ташқи сиёсатнинг миллий асослари ҳам яратилди. Ўзбекистон хoрижий таж­рибани ўрганган ҳoлда, ўз миллий манфаатлари ва давлатчилик ҳу­су­си­ят­ларига мос йўлни танлади. Суверенитет, ҳудудий яхлитлик, миллий ҳавф­сиз­лик, тинчликсеварлик, давлатлар­нинг ички ишларига аралашмаслик ва ўзарo манфаатли ҳамкорлик каби тамoйиллар ташқи сиёсатимизнинг мумин усту­н­ларига айланди.

Иккинчи бoсқич — ҳавфсизлик ва геосиёсий мувозанат даври. 2000 — 2010 йиллар ташқи сиёсатимиз учун мураккаб геосиёсий ҳoраёнлар фо­нида кечди. Марказий Oсиёда ҳавф­сиз­лик масалалари кескинлашиб, тер­роризм, экстремизм ва Афғонистон­даги беқарорлик минтақа ҳаётига ҳид­дий таҳдид сола бошлади. 1999 йил­ги Тошкент воқеалари ва кейинги жа­раёнлар мамлакат ташқи сиёсатида ҳавфсизлик масаласига эътиборни янада қучайтирди.

Бу даврда Ўзбекистон йирик геo­сиёсий қуч марказлари — Россия, АҚШ ва Хитой билан муносабатларда ўз миллий манфаатларидан келиб чиқ­кан ҳoлда мувозанатни сақлашга ин­ти­лди. 2001 йилдан кейин Афғонис­тондаги вазият ва халқaro ақсилтер­рор операциялари минтақадаги сиёсий муҳитга катта таъсир кўрсатди.

2005 йилдаги Андижон воқеалари­дан кейин Ғарб давлатлари билан му­носабатларда юзага келган совуқлик эса ташқи сиёсатда янги ёндашувларни тақозо этди. Бу йиллар Ўзбеки­стон дипломатияси учун геосиёсий ва-



зиятни қучур таҳ­лил қилиш, миллий ҳавфсизликни би­ринчи ўринга қўйиш ва ташқи муно­са­батларда эҳтиёт­корликни қучайти­риш даври бўлди. Учинчи бoсқич — эҳтиёткорлик ва консерватив ташқи сиёсат даври. 2010 — 2016 йил­ларда мамлакат ташқи сиёсатида янада эҳтиёткор ва консерватив ёнда­шув усту­нлик қилди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятида аниқ қоида­лар белгилан ол­инди. 2012 йилда қабул қилинган Ташқи сиёсий фаолият кон­цепцияси мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, ҳудудда хo­рижий ҳарбий базалар жойлаштири­лишига йўл қўймаслиги каби тамoйилларни мустаҳкамлади.

Мазкур даврни ташқи сиёсатда шартли равишда “эҳтиёткорлик да­ври” деб аташ мумкин. Мамлакат ташқи дунё билан муносабатларни сақлаб қолган бўлса-да, ташқи сиёсий алоқаларда эҳтиёткорлик устувор аҳамият касб этди. Бу эса кейинги бoсқичда ташқи сиёсатни қайта қўриб чиқиш ва янги ёндашу­ларга эҳтиёжни қучайтирди.

Бугун сиз билан биз гувоҳи бўлаётганимиз тўрттинчи бoсқич — Янги Ўзбекистоннинг янги дипломатия даври сифатида тарихга муҳрланди. 2016 йилдан кейин Ўзбекистон ташқи сиёсатида очилдик, прагма­тизм, ўзарo манфаат ва яхши қўшничилик тамoйиллари усту­вор йўналишга айланган мут­лақо янги, аввалгиларига ўхша­маган саҳифа очилди. Айниқ­са, Марказий Oсиё давлатлари билан муносабатларни яхши­лаш ва минтақада ўзарo ишонч муҳитини шакллантириш ташқи сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишига ай­ланди.

Қўшни давлатлар билан йиллар да­вомида ечимини қўтиб турган чегара, транспорт, савдо, сув ва бошқа маса­ла­ларни музокаралар орқали ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Илгари аҳоли ва тадбиркорлар учун жиддий тўсиқ бўлган чегарадан ўтиб­қайтиш жараёнлари енгиллашди, транспорт ҳамда савдо алоқалари тик­ланди. Энг муҳими, халқлар ўртаси­даги азалий қардошлик ва яқинлик янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистоннинг Марказий Oсиёда­ги ташқи сиёсий ёндашуви минтақа давлатлари ўртасидаги муносабат­ларга ҳам янги руҳ олиб кирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев та­шаббуси билан Марказий Oсиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат

урчашувлари йўлга қўйилди. Ушбу му­лоқот майдони давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, умумий муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш ва минтақа келажагига дахл­дор масалалар бўйича умумий ёнда­шувларни шакллантириш учун муҳим платформага айланди.

Натижада Марказий Oсиёда бир вақтлар мураккаб ва баҳсли масала сифатида қаралган қатор муаммолар­ни тинч, сиёсий ва дипломатик йўл билан ҳал қилиш учун янги имконият­лар пайдо бўлди. Сув-энергетика со­ҳасида ҳам қарама-қаршилик эмас, балки ҳамкорликка асосланган ёнда­шув қучайди. Қўрғизистон ва Тожи­кистондаги йирик энергетика лoйиҳа­ларида Ўзбекистоннинг иштироки ана шу янги минтақавий ҳамкорлик руҳи­нинг амалий ифодаси бўлди.

Янги ташқи сиёсат иқтисодий му­носабатларга ҳам катта туртки берди. Қўшни мамлакатлар билан савдо-иқ­ти­содий алоқалар кенгайди, қўшма кор­хоналар сони ортди, инвестициявий ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилди. Дипломатик муносабатларда­ги илиқлик аста-секин иқтисодий ҳам­корликка, иқтисодий ҳамкорлик эса умумий тараққиёт манфаатларига ай­лана бошлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг географияси ҳам кенгай­ди. АҚШ, Россия, Хитой, Европа дав­латлари ва Европа Ўттифоқи билан бир қаторда Туркия, Эрон, Хиндистон, По­кистон, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлар билан стратегик ва ўзарo манфаатли ҳамкорлик ривожлан­ди. “Марказий Oсиё плюс” формат­лари орқали минтақамиз йирик давлат­лар ва халқaro тўзималар билан му­лоқотнинг янги майдонига ай­ланди.

Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги фаолиги ҳам сезиларли даражада ор­тди. Мамлакатимиз ташабууси билан қатор муҳим резолюцияларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқaro кўн тартибинини шакллантиришдаги ишти­роки кенгайиб бoраётганини кўрсат­ди. Бу эса ташқи сиёсатимизнинг фақат икки томонлама муносабатлар билан чекланиб қолмаётгани, балки гло­бал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташабуускор дип­ломатияга айланаётганидан далолат.

Мустақил Ўзбекистоннинг 35 йил­лик ташқи сиёсат тарихи изланиш, тажриба, синов ва янгилаНИШлар да­вридир. Дастлабки йилларда асосий мақсад дунёда ўз ўрнини топиш ва мустақил давлат сифатида тан оли­ниш бўлган бўлса, бугунги бoсқичда мамлакатимиз халқaro муносабатлар­да ташабуускор, ўз манфаатларини очик ифода этаётган ва минтақавий жараёнларга таъсир кўрсатаётган дав­лат сифатида намоён бўлмоқда.

Демак, мамлакатимиз ташқи сиё­сати йиллар давомида оддий тан оли­ниш бoсқичидан ташабуускор ва фаол дипломатия бoсқичига кўтарилди. Бугун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор эса мамлакатимизнинг халқaro майдондаги мавқеини янада юксалтириш, миллий манфаатларни ишончли муҳо­лаш ва ёрқин келажак сари дадил қадам ташлаш учун хизмат қилади.

Маҳмуджон ҚОИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзosi.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаро­лик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан “Учинчи Ре­нессанс пойдеворини барпо этишда фуқаролик жамияти институтларининг иш­тироки” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, Ўзбекистон Рес­публикасининг Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистондаги Ислom цивилиза­цияси маркази, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистoни барпо қилиш жараёнида демократик ис­лохотларни изчил давом эттириш, қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қол­моқда. Бу жараёнда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Янги тақрирдаги Конституцияга “Фуқа­ролик жамияти институтлари” деб ном­ланган бoбининг киритилиши мамла­ка­ти­ми­зда фуқаролик жамиятини ривож­лантириш йўлидаги муҳим тарихий қадам бўлди. Ушбу бoбининг 69 — 75-моддалари дав­лат фуқаролик жамияти институтлари­нинг ҳуқуқлари, фаолияти ва қафолатлари аниқ белгилан берилди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 69-моддасида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, жамоат би­рлашмалари ва бошқа нодавлат ноти­жа­тар ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахбо­рот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9627 та нодавлат нотижотар ташкилот, 9008 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор­гани, 2490 та оммавий ахборот воситаси ва 3 мингта яқин турли жамоат тўзим­ла­лари фаолият юритмоқда.

Тадбир давомида Учинчи Ренессанс ғоясини амалга оширишда парламент ва фуқаролик жамияти институтлари­нинг ўзарo ҳамкорлигини янада қучай­тириш, қонун иждо­ро­ли­ли­ги жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш,

фуқаролик жамияти институтларининг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдаги ҳиссасини оширишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масалалари атрофи­ча муҳокама қилинди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, қўмита аъзosi:

— Учинчи Ренес­санс пойдеворини барпо этиш жараёни­да фуқаролик жамия­ти институтларининг фаол иштироки ало­ҳида аҳамият касб этади. Эерo, жамият тараққиёти, аввало, фуқароларнинг ижти­моий фаолиги, ташабуускорлиги ва мам­ла­кат ҳаётидаги ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан қамбарчас боглиқ. Мазкур тадбир эса соҳадaги долзарб масалалар­ни атроф­ли­ча муҳокама қилиш, ўзарo фикр алмаш­иш ҳамда амалий тақлифларни ил­гари суришда парламент, давлат орган­лари, фуқаролик жамияти институтлари ва экспертлар учун очик ҳамда конструктив мулоқот майдони бўлди. Унинг якунида иштирокчилар билдирган фикр-мулоҳаза­лар, тақлифлар асосида парламент ва фуқаролик жамияти институтлари ўртаси­даги ҳамкорликни янада ривожлантириш­га қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.



Тадбир якунида иштирокчилар Ўзбеки­стондаги Ислom цивилизацияси маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

ИННОВАЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Бугуннинг кундалик воқелиги — сунъий интеллектдан синфхоналарда, ректоратлар кабинетларида ва талабаларнинг қурилмаларида ҳам

Нуктаи назар



Президентимизнинг "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш чора-тадбирлари белгиланган. Бу қарор ҳамда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони таълим тизимини рақамли асрга мослаштириш, ўқитувчи ва раҳбар кадрлар ҳамда бўлажак мутахассисларни янги замон талабларига тайёрлашга хизмат қилиши билан аҳамиятга молиқ.

Эътиборлиси ушбу муҳим йўналиш асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ҳузуридаги Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Халқаро Нордик университети ҳамда АҚШнинг нуфузли Рован университети ҳамкорлигида амалий натижага йўналтирилган малака ошириш дастури йўлга қўйилди. Умумий ҳажми 144 соатдан иборат малака ошириш курси икки босқичга бўлинган: дастлабки 72 соат Ўзбекистонда онлайн ва гибрид тартибда, кейинги 72 соат эса бевосита Нью-Жерси штатидаги илмий тадқиқот марказларида ташкил этилди. Бундай ёндашув назарий билимни амалий кўникма билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Курс мазмуни тўққизта модулни қамраб олади — бошқарув ва стратегик раҳбарликдан тортиб, педагогик методиканинг янги-ланшишга, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик масалаларидан бошлаб, виртуал ва кенгайтирилган технологияларнинг таълимга татбиқига қўришни назарда тутилган. Тингловчилар барча замонавий АИ платформаларда амалий машқ қилишди, "Dreamscape Learn" тизими асосида виртуал симуляцияларни синаб кўрди, шунингдек, талабалар маълумотларининг дахлсизлигини кафолатловчи "FERPA" стандартлари, академик ҳалоллик ва муаллифлик ҳуқуқи масалалари бўйича чуқур билим олишди.

Ўн кунлик амалий дастур давомиди ҳар бир кун икки қисмга бўлинди: эрталабки соатлар назария ва стратегияларга, тушдан кейинги вақт эса амалиёт ҳамда муассасаларга таширларга бағишланди.

Бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт модели инсон капиталига таянган иқтисодиёт барпо этишни кўзламоқда. Бу эса олий таълим тизими зиммасига мутлақо янги вазифаларни юклайди. Университет илмий гоёлар, инновацион ишланмалар, технология ечимлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган стратегик марказга айланиши зарур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётини ривожлантириш, электрон ҳукумати такомиллаштириш, ахборот технологияларини давлат бошқарувида жорий этиш ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли ҳуқуқий ва институционал асослар

яратилди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам таълим сифати, илм-фан, инновациялар ва рақамли иқтисодиёт тараққиётининг асосий устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Халқаро тажриба аҳамияти

Глобал рақобат энди билимлар майдонида кечмоқда. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда сунъий интеллект олий таълимни тубдан янгилаш воситасига айланмоқда. АҚШ университетида гувоҳи бўлдикки, АИ ёрдамида индивидуал ўқув траекториялари ишлаб чиқилмоқда, талабалар билимини баҳолаш автоматлаштирилмоқда, илмий излашлар тезлаштирилмоқда, университет бошқаруви эса маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш тизимига ўтмоқда.

Финляндияда сунъий интеллект педагогининг ўрнини босувчи восита эмас, балки унинг интеллектуал ёрдамчиси сифатида қаралади. Сингапурда эса АИ асосидаги адаптив таълим тизимлари ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва эҳтиёжига мос индивидуал ўқитиш моделини шакллантирмоқда. Жанубий Кореяда университетлар АИ лабораториялари ва саноят корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бирлашган Араб Амириклари эса давлат бошқарувида сунъий интеллектни ривожлантириш учун алоҳида вазирилик ташкил этган илк мамлакатлардан бири бўлди.

Замонавий таълим тизимида профессор-ўқитувчининг шахсий салоҳияти билан бир қаторда, у фаолият юритаётган университетнинг ривожланишига қўшадиган хиссаси ҳам асосий мезонга айланмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, "Таълимда сунъий интеллект: назария, лидерлик ва амалиёт" дастури мазмун ва натижадорлиги билан алоҳида ажралади туради.

АҚШда АИ бўйича малака ошириш дастури иштирокчилари Нью-Жерсидаги Сунъий интеллект маркази (AI Hub) таширф давомиди инновацияларни тизимли ривожлантириш модели билан танишди. Марказнинг асосий вазифаси университетлар, тадқиқотчилар ва инноваторларнинг истиқболли гоёларини бир платформада жамлаш, уларни мувофиқлаштириш ҳамда тайёр махсулот ва бизнес-гача олиб боришда ҳар томонлама кўмаклашидан иборат.

Бу ерда коворкинг майдонлари, менторлик дастурлари, технологик экспертиза, инвесторлар билан ҳамкорлик ва тижоратлаштириш механизмлари ягона тизим сифатида ишлайди. Натижада гоёлар халқаро бозорда рақобатлаша оладиган инновацион махсулотга айлантирилди. Бундай тажриба-лар сунъий интеллект соҳасида таълим, илм-фан ва бизнес ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, инноваторларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги технологик ечимларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Принстон университети ҳамкорлигида фаолият юритаётган ушбу инновацион марказда иштирокчилар АИни бошқариш ва инновацияларни тижоратлаштириш механизмлари, замонавий "data center"лар фаолияти ҳамда уларнинг сунъий интеллект ривожидида аҳамияти билан танишди. АИ инфратузилмасини бошқариш бўйича интерфаол ва ролли машғулотларда университет, саноят ва давлат ҳамкорлигининг самарали моделларини амалий мисоллар орқали ўрганди.

66 миллион йил ортга саёҳат

Рован университети ҳузуридаги "Edelman Fossil Park & Museum"да бўлганимиз малака ошириш дастурининг мазмуни йўналишларидан бири бўлди. Музейда палеонтология, геология ва экология йўналишлари замонавий технологиялар билан уйғунлаштирилиб, таширф буюрувчиларни динозаврлар



даврига олиб кирди. Ундаги интерфаол экспозициялар, тўлиқ ўлчамдаги динозавр макетлари, виртуал реаллик технологиялари ҳамда қазилма топилмалар илмий билимларни амалий тажриба билан бойитди.

Бу таширф иштирокчиларга дунёнинг илгор илмий ва таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Мазкур дастур иштирокчиларга сунъий интеллект воситаларидан фойдаланишни ўргатиш билангина чекланмади. Асосий эътибор ҳар бир олий таълим муассасасининг ривожланиш стратегиясини замонавий технологиялар асосида қайта шакллантиришга қаратилди. Бошқача айтганда, курс тингловчини янги билим эгасига эмас, балки ўз университетиди трансформация жараёнларини бошқаришга қодир етакчига айлантиришни кўзлайди.

"Action Plan" — билимнинг амалий натижага айланишидир. Аънавий малака ошириш курсларидан тингловчи янги билим билан қайтади. Аммо бу билимнинг университет фаолиятида қандай натижа бериши кўпича назорат қилинмайди. Мазкур дастур эса айнан шу камчиликни бартараф этувчи ёндашувни тақдир қилади. Ҳар бир иштирокчи курс якунида ўз олий таълим муассасаси учун сунъий интеллектни босқичма-босқич жорий этиш бўйича аниқ хара-



катлар режасини ишлаб чиқиб, ушбу ҳужжатда университетнинг мавжуд салоҳияти таҳлил қилинади, устувор йўналишлар белгиланади, амалга ошириш механизмлари ва натижадорлик мезонлари кўрсатилади. Бу эса сунъий интеллектни жорий этиш жараёнини узоқ муддатли стратегик ривожланиш дастурига айлантиради.

Технологиядан маданият сари

Ҳар қандай янги технология билан бир қаторда хавфлар ҳам юзага келади. Академик ҳалолликни таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шахсий маълумотлар махфийлигини сақлаш ва киберхавфсизликни мустаҳкамлаш сунъий интеллектни жорий этишнинг ажралмас қисмидир.

Шу боис дастурда АИ этикаси алоҳида модул сифатида ўқитилди. Иштирокчилар халқаро тажриба асосида университетларда масъулиятли фойдаланиш сиёсатини ишлаб чиқиш, ички меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ва академик ҳалоллик тамойилларини қўчайтириш бўйича тавсиялар яратди. Бу эса технологияларни жорий этишда инсон манфаатлари, адолат ва ишонч тамойилларини устувор сақлашга хизмат қилади. Дастур бўйича фақат аудитория машғулоти билан чекланмади. Тингловчилар АҚШнинг сунъий интеллект ва инновациялар бўйича етакчи марказларига таширф буюриб, илм-фан, саноят ва давлат бошқаруви ўртасидаги ҳамкорликни амалда кузатиш имкониятига эга бўлди.

Бу таширфлар шуни аңлатдики, замонавий университет алоҳида фаолият юритувчи таълим муассасаси эмас, балки инновацион экотизимнинг ажралмас бўғинидир. Айнан ана шундай ёндашув Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам илм-фан, ишлаб чиқариш ва давлат бошқаруви интеграциясини янада қўчайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу маънода, "Таълимда сунъий интеллект: назария, лидерлик ва амалиёт" дастури нафақат янги билимлар манбаи, балки Янги Ўзбекистон университетлари халқаро рақобатга тайёрлайдиган трансформация платформаси сифатида алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, бугун "рақамли иқтисодиёт", "катта маълумотлар", "сунъий интеллект", "ақли бошқарув", "инновацион университет" каби тушунчалар илмий муомаладан давлат сиёсатининг марказига кўчмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугунги замон шиддат билан ўзгармоқда. Ким илм-фан ва инновацияни эгалласа, келахак ҳам ўшаники бўлади." Мазкур гоё Янги Ўзбекистон тараққиёт фалсафасининг устувор йўналишига айланди.

Сунъий интеллектни таълим тизимига жорий этиш бугунги куннинг навбатдаги технолог таалаби эмас. Бу Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, глобал илмий майдондаги рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган узоқ муддатли миллий стратегиядир.

Одил ҚЎЙСИНОВ,
Халқаро Нордик университети проректори,
профессор.

ЁЗЁВОНДА ЯНГИ ҚОРХОНА

Ёзёвон туманида хитойлик ҳамкорлар билан шерикликда йилига 30 минг тонна балик еми ишлаб чиқарадиган қорхона фаолият бошлади. Лойиҳа доирасида 10 млн. доллар инвестиция киритилиб, 40 та юқори даромадли иш ўрни яратилди.

Имконият

Қорхонада ишлаб чиқарилган дастлабки махсулот шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб балиқчилик ҳўжаликларига жўнатилади.

— Бу ерда кунига беш турдаги 80 тонна махсулот тайёрланади, — дейди қорхона иш бошқарувчиси Жасурбек Икромжонов. — Табиий дармондориларга бой махсулот таркибида ун, соя, кунгабоқар, гуруч ва маккажўҳори каби озуқа моддалари бор. Ушбу ем суз юзасида узоқ муддат сақланиши боис чўкмайди ва фойдали озуқа

сифатида юз фоиз истеъмол қилинади. Ҳозирги кунда Марказий Осиёда мазкур йўналишда ягона бўлган қорхонада балиқлар учун махсус витаминли, дориаланган, антибактериал ҳамда турли паразит касалликларига қарши озуқалар ишлаб чиқарилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур тармоқ Ёзёвон тумани драйерларидан бири бўлиб, бугун 94 та ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиги тасарруфида 2050 гектар балиқчилик хавзаси ва кўл мавжуд.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ФУТБОЛ хабарлари

НАВБАТДАГИ ОСИЁ КУБОГИ МЕЗБОНИ — ЎЗБЕКИСТОН

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтган Осиё футбол конфедерациясининг Ижроия қўмитаси ййгилишида 2027 — 2029 йиллар давомиди турли ёш тоифаларидаги Осиё кубогига мезбон давлатлар номи тасдиқлаб олинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон 2027 йил "U17" ёш тоифасидаги Осиё кубогини қабул қилади. 2028 йилги "Лос-Ан-желес — 2028" ёзги Олимпия ўйинларига йўланма берувчи "U23" Осиё кубоги Японияда ташкил этилади. 2029 йилда уюштириладиган "U17" Осиё кубоги баҳслари Саудия Арабистонида ўтказилади.

Шунингдек, ййгилишда Осиё Элит чемпионлар лигаси 2026/2027 йилги мавсумдан эътиборан 32 жамоалик форматда ўтказилиши маълум қилинди.



РАҲМОНАЛИЕВ ЖАМОАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон миллий терма жамоасига номзод Умарали Раҳмоналиев ўйнаётган Озарбайжоннинг "Сабах" клуби Европа Элит чемпионлар лигаси саралаш турнирининг уч босқичидан муваффақиятли ўтиб, плей-оффга етиб келди.

Бокунликлар учинчи саралаш босқичи жавоб учрашувида Даниянинг "Орхус" клуби устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Рақиб майдонида ўтган биринчи учрашувда "Сабах" рақибга 1:2 ҳисобида ютказган эди.

"Azerisport.com" нашри хабарига кўра, Боку клуби плей-офф босқичида Исроилнинг "Хапоэль Беэр-Шева" жамоасини мағлуб этиб, Чемпионлар лигасининг асосий босқичига йўланма олса, камиди 18 620 000 евро ишлаб олади. Юртдошимиз У. Раҳмоналиев жорий мавсум "Сабах"нинг барча олтига учрашувида ҳам майдонга тушди ва жамоасининг асосий фигураларидан бири бўлди.



ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДАГИ ТУРНИР

Келгуси йилда Саудия Арабистонида ўтказиладиган Осиё кубоги баҳсларига тайёргарлик қўрадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Басра (Ироқ) шаҳридаги мусобақада иштирок этиши мумкин.



Мамлакат футбол ассоциацияси матбуот котиби Муҳаммад Имад бу ҳақда маълумот берди. "Биз Эрон, Ўзбекистон ва Иордания терма жамоаларига тақдирнома олсак, камиди 18 620 000 евро ишлаб олади. Осиё кубогига тайёргарлик кўриш учун асосий эътиборни Осиё терма жамоаларига қаратганмиз", деб таъкидлаб ўтган Имад.

Мазкур кичик турнир ФИФА кунлари доирасида 9 — 17 ноябрь кунлари ташкил этилиши режалаштирилган.

«СУРХОН» ТРАНСФЕРДАН ҚАНЧА ПУЛ ИШЛАДИ?

Термизнинг "Сурхон" клуби ҳимоячи Бехруз Каримов Швейцариянинг "Лугано" клубига трансфер қилинганидан хабарингиз бор.

Сўнгги маълумотларга кўра, "Лугано" мазкур трансфер учун "Сурхон"га 250 минг евро тўлайди. Сурхондарё вилояти бош жамоаси тайёргарлик компенсацияси учун яна тахминан 200 минг евро олади. Бундан ташқари, Термиз клуби Б. Каримовнинг кейинги сотувининг 10 фоизига эга қилади. Яъни Бехруз "Лугано"дан бошқа клубга, айтиллик, 10 миллион еврога сотилса, "Сурхон" ҳисоб рақамига яна 1 миллион евро тушади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Катнашчилар марказ билан танишар экан, Ўзбекистон замини азалдан илм-фан ва маърифат бешиги бўлиб келганини, бу юртдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг мероси бутун инсоният тараққиётида беқийёс ўрин тутганини эътироф этди. Айниқса, тарихий меросни асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш ва келахак авлодга етказиш борасида амалга оширишга қодир бўлган юксак баҳоланди.

Фотозкспозиция давомиди Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик шонли тарихи, шу давр мобайнида босиб ўтилган тараққиёт йўли, айниқса, кейинги 10 йилда Янги Ўзбекистон гоёси асосида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг ҳамяят ҳаётидаги амалий натижалари кенг жамоатчиликка ёрқин ҳамда таъсирчан тарзда намойиш этилди.

Кўргазмадаги мазмунан бой ва таъсирчан фотоларлар меҳмонларда катта таассурот қолдириб, мамлакатимизда рўй бераётган ул-

Осман МЕСТЕН,
Туркия Буюк миллат мажлиси депутати, «Туркия — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи ҳамраиси:



— Ўзбекистон мустақиллик йилларида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар мамлакатни сифат жиҳатдан янги тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Бугун бу ўзгаришларни туризм ва тарихий меросни асрашдан тортиб,

кан ўзгаришлар, янгилаш ва бунёдкорлик жараёнларини янада яққол ҳис этиш имконини берди. Айниқса, ислохотларнинг инсон манфаати ва фаровонлигига қаратилган амалий натижалари меҳмонлар томонидан юксак баҳоланди.

технологиялар, саноят, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг бой цивилизацияцион меросини дунёга кенг намойиш этиш борасидаги ишлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Сўнгги ўн йил Туркия — Ўзбекистон муносабатларида ҳам янги даврни бошлаб берди. Президент Режеп Таййип Эрдоган ва Президент Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда самимий дўстлик парламентлараро ҳамкорлик ривожига ҳам қучли туртки бермоқда.

Ўзбекистон туркий дунё ва ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бирига айланиб улгурган. Бугун қардош Ўзбекистон буюк тарихий меросига таянган ҳолда, кенг кўламли ислохотлар орқали ўзининг янги тараққиёт тарихини яратаётди.

«Халқ сўзи».

Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида миллий ҳўнармандчилик ва ноёб каштачилик санъатини кенг оммалаштиришга бағишланган уч кунлик «Ироқи» халқаро каштачилик фестивали бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотлари юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6